

Эснашдан имкон қадар сақланиш | Сийрат дарслари (356-дарс)



19:00 / 06.12.2025 866

800. Салама ибн Акваъ розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг ҳузурларида акса урди. Шунда у зот унга: «**Ярҳамукаллоху**», дедилар. У яна бир бор акса урди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: «**Бу одам тумовдир**», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

801. Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам акса урганларида юзларини қўллари ёки кийимлари билан тўсар ва овозларини пасайтирар эдилар».

Абу Довуд, Термизий ва Ҳоким ривоят қилишган.

802. Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Яҳудийлар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида у зотнинг «Ярҳамукумуллоҳу» дейишларини хоҳлаб, акса уришар эди. У зот бўлса: **«Яҳдийкумуллоҳу ва юслиҳу болакум»**, дер эдилар».

Абу Довуд, Термизий ва Ҳоким ривоят қилишган.

803. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Аллоҳ аксани ёқтиради ва эснашни ёқтирмайди. Бирортангиз акса уриб, Аллоҳга ҳамд айтса, уни эшитган ҳар бир мусулмонга унга «ярҳамукаллоҳу» дейиш вожиб бўлади. Аммо эснаш эса, шайтондандир. Бирортангизни эсноқ тутса, уни иложи борича қайтаришга уринсин. Бирортангиз эснаганида шайтон ундан кулади»**, дедилар».

Бухорий, Муслим ва Термизий ривоят қилишган.

804. Абу Саъид Худрий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Бирортангизни эсноқ тутганида қўлини оғзига қўйсин, чунки шайтон киради»**, дедилар».

Муслим ривоят қилган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.